

ЮСУПОВ Қобил Ҳакимбоевич

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги
Малака ошириш маркази Наманган минтақавий
филиали
Ижтимоий ва мутахассислик фанлари кафедраси
ўқитувчиси

ЗАФАР АҲМАД ТАҲОНАВИЙ АСАРИДА МОВАРОУННАҲР АЛЛОМАЛАРИ ТАВСИФИ

ОПИСАНИЕ УЧЁНЫХ МАВАРАННАХРА В ТВОРЧЕСТВЕ ЗАФАРА АХМАДА ТАХАНАВИ

DESCRIPTION OF THE SCIENTISTS OF MAWARANNAHR IN THE WORKS OF ZAFAR AHMAD TANHAVI

Аннотация. Мақоланинг асосий мақсади Ўзбекистон ҳудудларидан, жумладан, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Термиз, Насаф, Шош, Марғинон каби илм фан ривожланган шаҳарлардан етишиб чиққан ҳадис ва фикҳ олимлари ҳақида маълумот беришдир.

Мақолада асосан “Эъло ас-сунан” асари доирасида юртимиздан етишиб чиққан фақиҳларнинг муҳаддислик жиҳатини ёритишга қаратилган бўлиб, уларнинг устоз ва шогирдлари, ҳадис борасида ёзган асарлари таҳлил ва тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: Муҳаддис, ҳадис, асар, муснад, хофиз, ҳанафий, табақот, садук, ровий.

Аннотация. Основной целью статьи является предоставление сведений об ученых-хадисоведах и правоведах, живших в Узбекистане, в том числе из Бухары, Самарканда, Хорезма, Термеза, Насафа, Шоша и Маргинона.

Статья в основном направлена на освещение мухаддистовского аспекта правоведов, живших в нашей стране в книге «Иъла ас-сунан», анализируются и исследуются письменные книги, написанные их учителями и учениками по хадисам.

Ключевые слова: мухаддисы, хадис, произведение, муснад, хафиз, ханафит, табакат, садук, передатчик.

Annotation. The main purpose of the article is to provide information about hadith scholars and jurists who lived in Uzbekistan, including those from Bukhara, Samarkand, Khorezm, Termez, Nasaf, Shosh and Marginon.

The article is aimed the Muhadist aspect of jurists, the written books, their teachers and students on hadiths who lived in our country in the book “E’la as-Sunan”.

Keywords: Muhaddith, hadith, work, musnad, khafiz, hanafi, tabaqat, saduq, rawi.

КИРИШ

Ўзбекистондан ҳудудидан етишиб чиққан уламолар ҳадис ва фикҳ илмларини юксалиб, кенг оммага ёйилиши учун бу борада илмий ишлар олиб борганлар, ўзларидан бебаҳо асарлар ёзиб қолдирганлар. Масаланинг муҳим томони шундаки, гап ҳадис ва фикҳ илмининг ривожига ҳақида борганда, бевосита юртимиз олимлари ундан алоҳида ўрин олади. Уларнинг бутун жаҳон маърифати юксалишида олиб борган мислсиз саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ, албатта.

Шунингдек, уларнинг илмий меросини ўрганиш мақсадида кейинги йилларда яшаб ўтган олимларнинг улар ҳақида тўплаган маълумотларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу нуктаи назаридан Ҳиндистонда яшаб ўтган муҳаддис, фақиҳ Зафар Аҳмад Таҳонивий Усманий “Эъло ас-сунан” асарида ҳанафий муҳаддисларини келтириш асносида Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан қатор олимларнинг қисқача таржимаи ҳолига тўхталади. Асарда мазкур муҳаддисларни зикр қилиниши асосан, айрим кишиларнинг “Абу Ҳанифа ҳадисни кам билради”, “ҳанафийлар ҳадислардан иборат далиллардан кўра кўпроқ қиёсний афзал билдилар”, деган даъволарига муаллиф томонидан раддия кўринишини олган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Асарда келтирилган ана шундай ҳанафий муҳаддисларидан Абул Фазл Довуд ибн Рушайд Хоразмий (ваф. 239/853 й.) бўлиб, у фақиҳлардан Ҳафс ибн Ғиёс, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг шогирди бўлган. Унинг “Наводир” номли асари мавжуд. Абул Фазл Довуд ибн Рушайд Хоразмий Бағдодда истикомат қилган. У ҳақида Имом Бухорий (ваф. 256/870 й.) “Тарих ал-кабир [13:244]” асарида, Ҳофиз Миззий (ваф. 742/1341 й.) “Таҳзиб ал-камола [12:288]”, Абу Муҳаммад Муҳйиддин Ҳанафий (ваф. 775/1373 й.) “Жавоҳир ал-музййа фи табакоти ал-ҳанафийя [14:186]”, Ҳофиз ибн Ҳажар Аскалоний (ваф. 852/1449 й.) “Ҳадй ас-сорий [18:571]” (“Фатх

ал-Борий” асарининг муқаддимаси), “Тақриб ат-тахзиб [19:305]”, “Тахзиб ат-тахзиб [20:174]”, Тақиюддин ибн Абдулқодир (ваф. 1005/1596 й.) “Табақот ас-санийя фи тарожуми ал-ҳанафийя [3:222]”, Абдулҳай Лакнавий (ваф. 1304/1886 й.) “Фавоид ал-баҳийя фи тарожуми ал-ҳанафийя [7:126]” каби асарларда унга оид маълумотлар келтирган. Ундан “олти саҳиҳ” муаллифларидан фақат Имом Термизий (ваф. 279/892 й.) ривоят қилмаган. Имом Бухорий восита орқали ундан ривоят қилган. Жарҳ ва таъдил асосчиларидан Яҳё ибн Маин (ваф. 233/848 й.) ҳам, муҳаддис Дорукутний (ваф. 385/910 й.) ҳам уни “сиқа” (ишочли ровий) қаторига қўшганлар [14:186]. Абу Ҳотим (ваф. 277/890 й.) эса “садук” (ростгўй ровий), деган [1:177–178].

Асарда зикр қилинган ҳанафий муҳаддислардан яна бири Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ёқуб ибн Ҳорис ибн Халил Ҳорисий Бухорий Субазмуний (ваф. 340/951 й.) ҳисобланади. Тарихчи Самъоний (ваф. 562/1166 й.) ўзининг “ал-Ансоб” асарида уни “устоз” номи билан танилгани, ҳадисларни кўп билгани, Ироқ, Ҳижоз каби шаҳарларга илмий сафарлар уюштиргани ҳақида келтирган [11:213–214]. Таҳонавий “Эъло ас-сунан” асарида келтиришича, Абдуллоҳ Субазмуний Фазл ибн муҳаммад Шаъроний, Ҳусайн ибн Фазл Бижлий каби муҳаддислардан ривоят қилган. Ундан Абдуллоҳ ибн Манда ҳадис эшитган. У “Кашф ал-осор фи маноқиби Аби Ҳанифа”, “Муснади Аби Ҳанифа” каби асарларни ёзиб қолдирган [9:41]. Ҳофиз Заҳабий “ал-Мизон” асарида у ҳақида шундай деган: “Ибн Манда Субазмунийдан кўп ривоят қилган бўлиб, унинг бир қанча асарлари мавжуд” [17:496]. Бироқ, Ибн Ҳажар Асқалоний “ал-Лисон” асарида Халилийдан иқтибос келтириб: “Ҳадис илми борасида тушунчаси бор аммо, Муҳаддислар уни (Абдуллоҳ Субазмуний) заифга чиқарганлар. Ибн Уқда, Абу Бакр ибн Дорим, Жуобий кабилар ундан ҳадис ривоят қилганлар” [8:580; 1:194], деган.

Таҳонавий Ибн Жавзийдан қилинган нақлда, Абу Саид Раввоснинг Субазмуний ҳадис тўқиш билан айбланган, деган фикрини келтириб, ортидан мазкур айблов асосиз, унинг ишончли ровий эканига таъсири йўқлигини назарда тутиб: “Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмуний улар (Ибн Жавзий ва Абу Саид Раввос)дан қадри баланд бўлган”, деди. Шунингдек, Ибн Ҳажар Асқалоний ҳам уни “Ҳофиз”, деб атагани, “Тахзиб ат-Тахзиб”

асарида унинг муснади билан (далил сифатида) ҳужжатлангани ҳақида ва шу каби Субазмунийга оид кўплаб маълумотлар берган. Жумладан, ҳанафий муҳаддиси Абул Муайяд Хоразмий (ваф. 665/1266 й.) “Жомий ал-масонид” асарида айтади: “Субазмунийнинг Абу Ҳанифа орқали ривоят қилинган “Муснад” асарини кўздан кечирган киши унинг ҳадис илми, унинг матни ва ровийлари йўлини мукаммал ўзлаштирганини тушуниб етади [1:193–194]”. Шунингдек, ҳанафий муҳаддиси Али Қори айтади: “Субазмунийдан шогирдларидан тўрт юзтаси Абу Ҳанифанинг маноқиби ҳақида ёзиб олган” [7:179].

Таҳонавий “Эъло ас-сунан”ида мазкур масалага ўз муносабатини билдириб, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад чиндан ҳам ёлғончилик билан айбланиб, унинг ривояти тарк этилганида, ўз замонининг муҳаддиси Ибн Манда, Ибн Уқда ва Жуобий каби ҳофиз даражадаги етук муҳаддислар ундан кўплаб ҳадисларни ривоят қилишмаган бўлар эди, деган эҳтимолни келтиради. Абдулҳай Лакнавий “Фавоид ал-баҳийя” асарида айтади: “Ҳинд диёрининг муҳаддиси Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий (ваф. 1176/1762 й.) ўзининг “ал-Интибоҳ” номли асарида Абдуллоҳ Субазмунийга “асҳоб ал-вужух”, деб таъриф бериб, “асҳоб ал-вужух” ким эканини “ал-Инсоф” асарида бундай тушунтирган: У муждаҳидлик даражасининг бир кўриниши бўлиб, унда факих айрим масалаларда ўзи эргашётган мазҳаббошидан мустақил равишда шарият асосларидан ҳукм чиқариб олиш салоҳиятига ега бўлади (ўзи мустақил бўлган масалалар мазҳаббошига эргашётган масалаларга нисбатан озчиликни ташкил этиши лозим)” [6:13; 7:177–178]. Таҳонавий айтадики, Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий ҳанафий муҳаддисларини бошқаларга қараганда яхшироқ билган. Шундай экан, унинг Абдуллоҳ Субазмунийни айрим фикхий масалаларда мустақил равишда ҳукм чиқариб оладиган савиядаги мужтаҳид сифатида келтириши уни (Субазмунийни) ишончли ровий, деб эътироф этиши тушунилади [1:194].

Таҳонавий келтириб ўтган мазкур маълумотлар асосан, Абдуллоҳ Субазмунийни ишончли ровий жиҳатини ёритишга қаратилган. Шунингдек, унинг мазкур айблардан холи экани борасида ҳадис илми асосларидан келиб чиққан ҳолда, ҳам муҳаддисларнинг, ҳам ўзининг Субазмуний ҳақидаги қарашини баён этган.

Қосим ибн Кутлубғо Судуний Ҳанафий (ваф. 879/1474 й.) “Тож ат-тарожум” асарида у ҳақидаги барчанинг фикрини келтириб, охирида ўзининг қарашини қуйидагича изҳор этади: Меннинг сўзим шуки, Имом Заҳабий “Тарих ал-Ислом” номли асарида шундай деди: “Ибн Манда Субазмуний ҳақида яхши фикрда бўлган” [4:176].

“Табақот ас-санийя фи тарожуми ал-ҳанафийя” асарининг муаллифи Такиюддин ибн Абдулқодир Ҳанафий ҳам кўплаб муҳаддисларнинг мазкур масаладаги қарашларини келтириб бўлганидан сўнг, хулоса ўрнида шундай дейди: “Абдуллоҳ (Субазмуний) фикҳ ва ҳадис илми борасида Мовароуннаҳр диёрининг етук имомларидан бири бўлган” [3:234].

Юқорида исми зикр қилинган тарожум муаллифларининг сўзларида Таҳонавийнинг Субазмуний борасидаги қарашига ўхшаш жиҳатини кузатиш мумкин. Шундан тушуниш мумкин бўладики, Таҳонавий бу борада ҳанафий муҳаддисларининг қарашларини ёритишда “Тож ат-тарожум”, “Табақот ас-санийя”, “Фавоид ал-баҳийя” сингари асарлардан кенг фойдаланган.

Муҳаддислардан яна бири Абул Аббос Жаъфат ибн Муҳаммад ибн Муътаз ибн Муҳаммад ибн Мустағфир Насафий Мустағфирий (ваф. 432/1040 й.) бўлиб, Самъоний уни ҳофиз, фозил, факих, ҳадисларни кўп билувчи, Мовароуннаҳр диёрида мисли кўрилмаган олим, деб таъриф этади. Абдулхай Лакнавий “Фавоид ал-баҳийя”сида Самъонийдан нақл қилиб, Мустағфирий ҳақида, Хуросонга илм сафари уюштирган. Марв ва Сарахсда бир мунча қолиб, у ерда бир қанча уламолардан ҳадис ешитган. У (Мустағфирий) ҳам жуда кўплаб муҳаддисларга ривоятлар айтган. Мустағфирий ҳадисларни жамлаш, уларни тушуниб туб моҳиятига етиш, китоблар тасниф етиш борасида унга ўхшаши топилмаган, деб ёзади [11:286].

Таҳонавий асарида шундай дейди: “Имом Заҳабий уни (Мустағфирий) ҳофизлар қаторида зикр қилган бўлсада, у ҳақида ўзи ростгўй, аммо айрим бобларда мавзуъ (тўқима) ҳадисларни ривоят қилиб, уларни тўқима эканидан огоҳлантирмаган”, дейди. Заҳабийнинг Мустағфирий ҳақидаги танқидий қарашини маъқулламаган ҳолда, Таҳонавий унга қуйидагича эътироз билдирган: Заҳабий

уни (Мустағфирий) айрим бобларида тўқима ҳадисларни ривоят қилиб келтирган, деган фикри билан айблаши ноўрин. Чунки, муҳаддислардан Ибн Можа (ваф. 273/886 й.), Имом Ҳоким сингари кўплаб ҳофизлар ҳам бу каби ҳолатдан саломат қолишмаган. Ҳанафий муҳаддиси Бадруддин Айний (ваф. 852/1451 й.) Имом Доруқутнийни айнан мана шу (тўқима ҳадисларни ривоят қилиб келтириши) билан айлаган. Мазкур масала борасида асаримнинг бир қанча жойида зикр қилдим, дейди Таҳонавий. Мустағфирий одамлар орасида асар ёзишдаги ўзига хос услублари билан танилган бўлиб, унинг асарлари уламолар томонидан юқори баҳоланган. Улардан “Маърифату ас-саҳоба”, “Тариху Насаф”, “Тариху Кеш”, “ад-Даъавот”, “ал-Манамаат”, “Хутаб ан-набавия”, “Далоилу ан-нубувва”, “Фазоилу ал-Қуръон”, “аш-Шамоил” кабиларни санаб ўтиш мумкин [1:159]. Мустағфирий қолдирган илмий мерослари орқали динимизга тегишли масалаларни ўрганиш билан бирга Ўзбекистон тарихи, урф-одати ва анъаналарини ҳам билиб олиш мумкин бўлади.

Ҳанафий муҳаддисларидан яна бири “Канз ад-дакоик” асарининг муаллифи Ҳофизуддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий (ваф. 710/1310 й.) ҳисобланади. Таҳонавийнинг айтишича, у фикҳ ва ҳадис илми борасида етук олим, замонасининг беназир алломаси, мукаммал имом мавқеида бўлган [1:189]. Абул Баракот Насафий Шамсул Аимма Муҳаммад ибн Абдусаттор Кардарий, Ҳамидууддин Зарир ва Бадруддин Хўҳар Зода кабилардан фикҳ илмини мукаммал ўзлаштирган. Унинг “Канз ад-дакоик”дан бошқа кўплаб асарлари бўлиб, улар “ал-Вофий”, унинг шарҳи “ал-Кофий”, “ал-Мустасфи шарҳ ал-фикҳ ан-нофиъ”, “ал-Манор”, унинг шарҳи “Кашф ал-асрор”, “ал-Эътимод шарҳ ал-умда” ва бошқалар [7:172]. У ҳақида Таҳонавийнинг берган маълумотларига қўшимча равишда кўплаб тарожум китобларида зикр қилинган. Жумладан, Ибн Ҳажар Асқалонийнинг “ад-Дурар ал-камина” [16:247], Абу Муҳаммад Муҳйиддин Қурашийнинг “Жавоҳир ал-музийя фи табақоти ал-ҳанафийя” [14:294], Ибн Кутлубғо Ҳанафийнинг “Тож ат-тарожум” [4:175], Абдулхай Лакнавийнинг “Фавоид ал-баҳийя фи тарожуми ал-ҳанафийя” [7:172–173] каби асарларда унга доир қатор маълумотлар келтириб ўтилган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондан етишиб чиққан ҳанафий олимлари кўплаб соҳаларда шу жумладан, тафсир, кироат, фикҳ, ҳадис сингари соҳаларда фаолият олиб борганлар. Мисол учун, тарихчи олимлар китобларида Абул Баракот Насафий, Абул Аббос Мустафий, Абдуллох Субазмуний, Довуд ибн Рушайд Хоразмий кабиларни зикр қилиб ўтганлар.

Зафар Аҳмад Таҳонавий “Эъло ас-сунан” асарида асосий эътиборини ҳадис билан шуғилланган ҳанафий олимларини келтиришга қаратган бўлиб, улар орасидан мовароуннаҳрлик муҳаддислар ҳам алоҳида ўрин олган. Таҳонавий мазкур олимларнинг асосан “ишончли ровий”, “ҳадис илмини яхши ўзлаштирган бўлиши”, “бу борада устоз ва шогирдлар орттирган бўлиши ҳамда ёзган асарлари” каби уларнинг ҳадис илмига алоқадор жиҳатини ёритишни мақсад қилган. Шу боис, уларнинг бошқа фанлар билан машғул бўлгани ҳақидаги маълумотларга тўхталмаган ҳамда мазкур олимларга баъзи ҳолларда таъна етказилган бўлса, унга ойдинлик киритишга астойдил урунган.

Демак, мовароуннаҳрлик уламолар кўпгина илмлар қатори ҳадис соҳасида ҳам ижодий изланишлар олиб бориб, унинг мустақил фан сифатида ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Уларнинг барча замон ва маконда дунёнинг кўзга кўринган олимларининг диққат марказида бўлиб келишлари улар бу илмни бошқаларга қараганда яхшироқ ўзлаштиргани намён бўлади.

Бундан ташқари, мазкур муҳаддислар ҳаж қилиш мақсадида хорижга уюштирган сафарларидан ҳам унумли фойдаланиб қолганлар. Улар ҳадис марказлари бўлган Мадина, Макка, Куфа, Басра, Шом, Миср, Боғдод каби дунёнинг илм-фан гўрқираб яшнаган шаҳарларида бўлиб, у ердаги олимлар билан яқиндан илмий музокаралар олиб борганлар. Кўзга кўринган муҳаддислардан ривоят қилишган ва ўз навбатида, уларга ҳам ҳадис етказганлар. Дарҳақиқат, Таҳонавий асарида “олти саҳиҳ” муаллифларидан кўпчилиги уларнинг айримларидан ҳадис ривоят қилишгани ҳақида зикр қилди. Мана шу ҳам Ўзбекистондан етишиб чиққан муҳаддислар бу борада юқори даражада бўлганидан далолатдир.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Зафар Аҳмад Усманий. Эъло ас-сунан. Муҳаммад Азизий таҳқиқи остида. – Ж. ХХІ. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2018.
2. Имом Заҳабий. Мизон ал-этидол фи нақд арижол / Али Муҳаммад таҳқиқи остида. – Ж. 4. – Байрут: Дор ал-маърифат, 2009.
3. Такиюддин ибн Абдулқодир. Табақот ас-санийя фи тарожуми ал-ҳанафийя / Абдулфаттох Муҳаммад таҳқиқи остида. – Ж. 4. – Риёз: Дор ар-руфой, 1989.
4. Қосим ибн Қутлубғо. Тож ат-тарожум / Муҳаммад Хойр Юсуф таҳқиқи остида. – Байрут: Дор ал-қалам, 1992.
5. Муҳаммад Амин ал-Урказий. Масонид имам Аби Ҳанифа. – Карачи: Батрак Центр, 1978.
6. Муратов Д. Абдуллох Субазмуний ва унинг мероси // Ислом тафаккури. № 3. 2020. – Б. 3.
7. Абдулхай Лакнавий. Фавоид ал-баҳийя фи тарожуми ал-ҳанафийя. – Байрут: Дор ал-Арқам ибн Абу ал-Арқам, 1998.
8. Ибн Ҳажар Асқалоний. Лисон ал-мизон / Абдулфаттох Абу Ғудда таҳқиқи остида. – Ж. 4. – Байрут: Дор ал-башаир ал-исламия, 2002.
9. Муратов Д. Субазмуний Муснади // Ислом тафаккури. № 1. 2019.
10. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форйобий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.
11. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. ал-Ансоб. Абдуллох Умар Борудий таҳқиқи остида. – Ж. 23. – Байрут: Дор ал-жинон, 1988.
12. Ҳофиз Миззий. Таҳзиб ал-камол. Башшар Аввод таҳқиқи остида. – Ж. 35. – Байрут: Рисала, 1987.
13. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Тарих ал-кабир. Ҳошим Надавий таҳқиқи остида. – Ж. 9. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2009.
14. Абу Муҳаммад Муҳийддин Қураший. Жавохир ал-музйя фи табақоти ал-ҳанафийя. Абдулфаттох Муҳаммад таҳқиқи остида. – Ж. 7. – Байрут: Дор ҳажр, 1993.
15. Хайруддин Зириклий. ал-Аълом. – Ж. 8. – Байрут: Дор ал-илм, 1986.
16. Ибн Ҳажар Асқалоний. ад-Дурар ал-камина фи аъйни ал-миа ас-самина. – Ж. 4. – Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмония, 1930.
17. Имом Заҳабий. ал-Муин фи табақот ал-муҳаддисин. Ҳаммом Абдурахим таҳқиқи остида. – Уммон: Дор ал-фурқон, 1984. – Б. 430.
18. Ибн Ҳажар Асқалоний. Ҳадю ас-сарий муқаддиму Фатҳ ал-Борий. – Байрут: Мактаба Асрия, 2018. – Ж. 1.
19. Ибн Ҳажар Асқалоний. Тақриб ат-таҳзиб. – Риёз: Дор ал-осима, 2000.
20. Ибн Ҳажар Асқалоний. Таҳзиб ат-таҳзиб. – Қоҳира: Дор ал-китаб ал-исламий, 1993. – Ж. 3.